FARG‘ONA VILOYATI QO‘SHTEPA TUMAN HOKIMINING
Q A R O R I

2021 - yil 5 - iyul 10-11-157-Q/21 Qo‘shtepa tuman hokimligi

Вилоят ҳокимининг 2021 йил 22 майдаги 202-сонли қарори тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон “Ўз аҳамиятини йўқотган қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш тизимини жорий этиш орқали мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 22 майдаги 202-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 сентябрдаги ПФ-6075-сон Фармони билан 2021 йил 1 июнга қадар маҳаллий давлат ҳокимият органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бекор қилиш чораларини кўриш ҳамда вилоят ҳокимининг 2021 йил 22 майдаги 202-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қўштепа туман ҳокимининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган норматив тусдаги қарорлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари (Ё.Қосимова) мазкур қарор расмий эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Юнусов зиммасига юклансин.

Tuman hokimi **И.В. Новиков**